**Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NEWGLOBALPROPESSIONAL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти**

Манзил:Тошкент шахри, Навоий 30-уй.Тел,+99894-684-59-78
**Банк:**Қишлоқ қурилиш банк Тошкент вилояти **МФО** 00987,**Х/р.**20208000104368607001 **СТИР:**205311743,**ОКОНХ** 84400
**Лицензия:** Аудиторлик фаолияти бўйича Узбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2014 йил 28 ноябрь кунидаги №-00737-сонли лицензиясига эга.

***Ижобий фикр билдирилган***

## АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Биз, "Зирабулок Пахта тозолаш заводи" АЖ нинг 2017 йил 31 декабрь холатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги, фойда ва зарарлар тўғрисида, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудит текширувидан ўтказдик.

Корхона раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек корхона раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда, корхона ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади.

Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз..

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар "Зирабулок Пахта тозолаш заводи" АЖ нинг 2017 йил 31 декабрь санасига бўлган молиявий ҳолатини унинг молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

**МЧЖШ «NEWGLOBALPROPESSIONAL -AUDIT» аудиторлик ташкилоти директори:** **К.И.Тураев**

"NEW GLOBAL PROPESSIONAL-AUDIT" "D"

Сана 06.06.2018 й.
Нарпай тумани